

Х У К М

Ўзбекистон Республикаси помидан

2003 йил декабр ойининг 15 куни жиноят ишлари буйича Олтиарик туман суди уз биносида очик суд мажлисида, раислик этувчи Т.Вахобов, Н.Мамарозикованинг котибалигида, томонлардан прокурор У.Йулчиев, адвокат А.Комиловларни иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 141-моддаси 2-қисми, 142-моддаси, 206-моддаси 2-қисми «в» банди, 277-моддаси 2-қисми «б,г,д» бандлари, 229-моддаси билан Кучкоров Мухторали Кучкоровични айблаш буйича 176-жиноят ишини курди,

Судланувчи, **Кучкоров Мухторали Кучкорович** 1956 йил 8 апрелда Олтиарик туманида тугилган, миллати узбек, маълумоти олий, Ўзбекистон Республикаси фуқороси, муқаддам судланмаган, оилали, турт нафар фарзандлари бор, вақтинча ишламайди, Олтиарик тумани, Хамза шаҳри, Фаргона кучаси 34 уйда яшайди, эҳтиёт чораси тилхат орқали очикда, айблов хулосаси нухасини уз вақтида олган.

Суд, иш буйича тупланган далилларни суд мажлисида текшириб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар курсатмаларини эшитиб қуйидагиларни,-

А н и қ л а д и :

Судланувчи Кучкоров Мухторали Кучкорович Олтиарик тумани Хамза шаҳар хокими вазифасида ишлаб маъсул мансабдор шахс булгани холда хокимият ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, узига конун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган харакатларни қасддан содир этиб фуқороларнинг ҳуқуқлари ёки конун билан курикланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабабчи булади.

Шунингдек, у бир гуруҳ шахслар томонидан уз мазмунига кура умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишқорона менсимасликда ифодаланувчи утакетган беҳаёлик билан, жамиятда юри-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан урини-дуппослаш баданига енгил шикаст етказиш ёки узганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиб, безорилик жиноятини содир этилишида иштирок этган.

Яъни, Кучкоров М. 2003 йил 13 август куни соат 14-00да уз иш жойи Олтиарик тумани Хамза шаҳар хокимлигида маҳалла фуқоролар йигини раислари ва фаоллари иштирокида йигилиш утказиб, Хамза шаҳридаги куп қаватли уйларда яшовчи фуқоролар Ибрагимова Тухтахон ва Машрапова Махфузаларни қушмачилик ва фохишабозлик билан шугулланиб, моддий бойлик орттириб, енгил хаёт кечириб келаётганлиқларини, бу холат купчилик уртасида норозилиқларга сабаб булаётганини айтиб, уларни яшаб турган уйларида мажбурий тартибда қучириб юбориш таклифини киритади ва бу таклиф маъқуллангач эртаси куни эрталаб соат 8-00 да яна Хамза шаҳар хокимлигига тулланиб. Ибрагимова Т ва Машрапова М.ларни уйларига боришга келишиб тарқаладилар.

Шундан сунг, эртаси куни, яъни 2003 йил 14 август куни соат 8-00 ларда Кучкоров М Олтиарик нефтни қайта ишлаш заводи директор уринбосари Турғунбоев Одилжон билан телефон орқали гаплашиб, Ибрагимова Т ва Машрапова М.ларни уй жихозларини юқлаб қучириб юбориш мақсадида битта юк автомашинасини юборишни сурайди, сунгра Хамза шаҳар маҳалла фуқоролар йигинлари раислари Атакулова Мавжуда, Абдуллаев Валижон, Имяминов Рахим, Ибрагимов Одилжон, Орифжонов Абдугани, Эргашев Кобил ва котиб Самсаков Тоирлар билан бирга Хамза шаҳар, А.Навоий кучаси, 26 А уйнинг 34 хонасида яшовчи фуқоро Ибрагимова Тухтахонни уйига бориб, уни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25, 26, 27 ва бошқа моддаларинда қайд этилган эркинлик ва шахсий дахлсизлик, турар жой дахлсизлиги қаб

конуний ҳуқуқларини купол равишда паймол қилиб, ҳокимият ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, гайриконуний равишда Ибрагимова Т.ни яшаш уйига кириб, уни уйи ичида булган шахсий уй-рузгор буюмларини мажбуран ташқарига олиб чиқиб, олдиндан тайёрлаб қуйилган Олтиарик нефтни қайта ишлаш заводида карашли фукоро Ортиков Ахмаджон бошқарувидаги «Зил-130» русумли 64-65 ФЭН давлат белгилли юк автомашинасига юклаб, Ибрагимова Т.ни Олтиарик тумани, Янгиқургон кишлоқ фукоролар йигини ҳудудида яшовчи узини ота-онасини уйига мажбуран олиб бориб ташлашади.

Бундан ташқари, Кучкоров М уз ҳаракатларини давом эттириб, шу куни соат 10-00 лар чамасида Олтиарик тумани, Хамза шаҳри, Навоий кучаси 23 «А» уйнинг 26-хонасида яшовчи фукоро Машрапова Махфузанинг уйига бориб, уни Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган шахсий ҳуқуқ, эркинликлари, турар жойи дахлсизлиги каби конуний ҳуқуқларини очикдан очик поймол қилиб, узи билан бирга борган фукороларга Машрапова М.ни яшаш уйига гайриконуний киришга топширик бериб, уй ичига эшикни бузиб бир неча фукоролар билан бирга кириб, у ерда булган фукоролар Халилова Садокат, Гиёсиддинова Муяссар, Юлдашева Мархабо, Каюмова Кумушларни Машрапова М.ни уйида фохишалик билан шугулланаётганликда айблаб, уларни уриб-дуппослашиб кулларини боғлашиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини касддан менсимасдан, уз мазмунига кура умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намоийишқорона менсимасликда ифодаланувчи утакетган беҳаёлик билан уларни уй ичидан ташқарига олиб чиқишиб, эгниларида булган кийим-бошқарини йиртиб, счиб ташлаб, буйнларига «Чуррак-нархи 200 сум» сузлари ёзилган ёрликларни илишиб уриб-дуппослаб хар бирига енгил даражада шикаст етказиб уларни Хамза шаҳри кучалари буйлаб шу ахволда юришга мажбур қилиб, фукоролар олдида аёллик шаъни ва кадр-кимматларини камситиб, сазойи қиладилар ва Машрапова М.ни уйи ичида булган шахсий мол-мулкларини дераза орқали кучага улоқтириб унга 77.000 сум ҳамда Каюмова К.нинг 32.000 сумлик, Гиёсиддинова М.нинг 25.000 сумлик, Халилова С.нинг 52.200 сумлик ва Юлдашева М.нинг 28.000 сумлик кийимларини йиртиб, ярқисиз холга келтириб, уларга жамаи булиб 214.700 сумлик анча миқдорда моддий зарар етказилишига сабабчи булади.

Судланувчи Кучкоров М. суд мажлисида қилмиш айбига қисман иқроп булиб, у 1995 йил январ ойидан бошлаб Олтиарик тумани Хамза шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келгани, Хамза шаҳри Олтиарик туман ҳокимлигига буйсунувчи шаҳар мақомига эга булиб, Хамза шаҳри ҳокими сифатида унинг асосий вазифасига шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, конунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатлар, вилоят, туман ҳокими қарорлари ижросини таъминлаш, маҳалла фукоролар йигинлари билан ҳамкорликда аҳолини шаҳарни бошқариш ишларига жалб қилиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш каби вазифалардан иборат эканлиги, воқеа содир булишидан бир кун илгари 2003 йил 13 август клуни Олтиарик туман ҳокимлигида фаоллар йигилиши булиб, ушбу йигилишда Хамза шаҳрида фохишабозлик ва қушмачилик каби иллатлар купайиб кетгани хақида танқидий фикрлар билдирилгани, ушбу йигилишда айтилган танқидий фикрлардан келиб чикан холда шу куни соат 14-00 да у Хамза шаҳри ҳокимлигида маҳалла фукоролар йигини раислари ва фаоллари йиштирокида йигилиш утказиб йигилишда туман ҳокимлигида айтилган танқидий фикрлар муҳокама қилинган ва Хамза шаҳар Янгиҳаёт маҳалласига карашли куп қаватли уйларда яшовчи фукоро Ибрагимова Тухтахон мукаддам қушмачилик билан шугуллангани учун судланиб чиккан булишига карамасдан ва маҳалла фукоролар йигини томонидан бир неча бор огоҳлантирилса ҳам уз фаолиятини давом эттириб келаётгани; хақида эътирозлар билдирилгани ва у ушбу эътирозларга нисбатан уз фикрини билдириб, Ибрагимова Т.ни уйига бориб унга панд-насихат қилайлик, тартибга чиқарайлик деб таклиф қилганида ҳамма бу таклифга рози булгани ва эртаси клуни соат 8-00 да Хамза шаҳар ҳокимлиги

биноси олдида тупланишга келишиб таркалганлари, эртаси клуни яъни 2003 йил 14 август клуни соат 8-00 лар чамасида барча махалла фуқоролар йиғини раислари ва фаоллари туплангандан сунг, у Ибрагимова Т.ни уйига бораверишларини, у хам оркаларидан етиб боришларини айтиб, узи хизмат хонасига кириб, Ибрагимова Т.ни уйида жанжал буладиган булса, ёмон окибатларни олдини олиб, Ибрагимова Т.ни уз ота-онасини уйига олиб бориб куйиш мақсадида Олтиарик нефтни кайта ишлаш заводида телефон килиб, директор уринбосари Тургунбоев Одилжон билан гаплашиб, юк автомашинаси юборишни илтимос килгани ва у рози булгач, узи хам Ибрагимова Т. яшаб турган куп каватли уй олдида етиб борганида, у ерда 40-50 нафар фуқоролар тупланиб турганини кургани, кейин у махалла фуқоролар йиғини раислари билан бирга Ибрагимова Т.ни уйига кириб, унга кушмачилик билан шугулланишни тухтатишини, куни-кушнилари хам норози булаётганликларини айтганида Ибрагимова Т. «менга хеч ким ёрдам бермаяпти, шаронтим огир»,- деб гапиргани, шунда Ибрагимова Т.ни уйига кирган фуқоролар «бу аёл унганмайди, уни кучириб юбориш керак»,- деб гапириб Ибрагимова Т.ни уйи ичидаги курпа-тушакларини, уй жихозларини кутариб ташкарида кутиб турган Олтиарик нефтни кайта ишлаш заводидан юборилган «Газ-53» автомашинасига юклай бошлаганлари, сунгра Ибрагимова Т.ни узини хам автомашинага утиргизиб, уни ота-онасини уйига ташлаб келиш учун олиб кетганлари, шундан кейин бу ерга якин булган Навоий кучаси 23 «А» уйда яшовчи Машрапова Махфузани уйида туполон буляпти деган хабарни эшитиб, уша жойга етиб борганида у ерда хам тахминан 20-30 нафар шу ердаги куп каватли уйларда яшовчи фуқоролар тупланиб турганини кургани ва Машрапова М. яшайдиган 4-чи каватдаги уйдан одамлар пастга караб, «Машрапова М.ни уйдан 2-та йиғит орка томондан тушиб кочди, ушланглар»,- деб бакиришгани ва уни ёнидаги одамлар уша томонга караб югириб кетганлари, у хам бирор кор-хол булмасин, деб одамлар оркасида бориб Машрапова М. яшайдиган куп каватли уйни орка томонига утганида хеч ким курилмагани, кейин яна оркасига кайтиб келганида купчилик халқ Машрапова М. ва яна турт нафар кизлар, яъни хозирда жабрланувчилар Халилова Садокат, Гиёсиддинова Муяссар, Юлдашева Мархабо ва Каюмова Кумушларни кулларидан ушлаб, куллари боғланган холда пастга олиб тушганини кургани, шу пайтда Навоий кучаси, 24 «А» уйда яшовчи Тухлиева Муяссарни уйида хам туполон буляпти деган хабарни эшитиб, Тухлиева М.ни уйига борганида у ерда хеч кандай жанжал булмаётганини билиб, оркасига кайтиб келганида Машрапова М.ни уйдан олиб тушилган 5 нафар кизлар йуклигини кургани ва одамлар уларни куча буйлаб айлантиргани олиб кетишганини эшитиб, уларни кидириб оркаларидан боргани, лекин тополмагани ва кайтиб 23 «А» уй олдида борганида ИИБ ходимлари етиб келишгани, чунки уни узи телефон оркали ИИБ ходимларини чакиргани, ИИБ ходимлари билан бирга Машрапова М.ни уйини олдида борганларида купчилик фуқоролар Машрапова М.ни 4-этаждаги уйини деразасидан Машрапова М.ни курпа – тушаклари ва бошка нарсаларини пастга ташлаётганини куриб тезда у ерга чикиб одамларни тинчлантириб, пастга ташланган нарсаларни кайтариб Машрапова М.ни уйига олиб чикиб куйганларини ва жанжал шу билан тинчиганини, шахсан у узи ушбу кизларни кулларини боғлашга, кийимларини йиртиб, буйниларига ёрликлар илиб, сазойи килишга топширик бермагани, лекин ушбу воқеаларда иштрок этгани тугрилийгини, уни мақсади факат Ибрагимова Т. ва Машрапова М.ларга панд-насихат килиб, уларни аёллик шаънига доғ туширадиган ишлар билан шугулланишдан кайтариш булгани ва шу мақсадда уларни уйига борганлари, лекин бу аёлларни килаётган ишларидан норози булган уша ерда яшовчи аҳолини узи кузгалиб кетиб, ушбу воқеалар содир булгани, у вазиятни бу даражада кескинлашиб кетишини кутмаганини, шахар хокими сифатида ушбу воқеаларни келиб чиқишига йул куйгани учун узини айбдор хисоблаши ва бу булиб утган ишлардан пушаймонлигини биддириб суддан енгиллик беришни суради.

Судланувчи Кучкоров М.нинг ушбу жиноятни содир этганликдаги айби узининг икромлигидан ташқари, иш буйича тупланган ва суд мажлисида текширилган куйидаги далиллар билан тасдикланади:

Жабрланувчи Ибрагимова Тухтахоннинг у хакикатдан ҳам мукаддам Олтиарик туман судининг хукмига асосан кушмачилик билан шугуллангани учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан судланганлиги ва узи 2 гуруҳ ногирони булгани сабабли ҳеч қаерда ишламаслиги, воқеа содир булишидан бир кун олдин, яъни 2003 йил 13 август куни уни уйига Богдод туманида яшовчи таниши Комилова Умида келгани ва уни уйида ётиб қолгани, эртаси куни эрталаб соат 9-00 лар чамасида эшиги тақиллагани ва бориб очишга улгурмасдан эшик каттик итарилиб, ундаги занжир узилиб кетгани ва уй ичига биринчи булиб шаҳар ҳокими Кучқоров Мухторали ака маҳалла фуқоролар йиғини раисларидан Атақулова Мавжуда опа, Эргашев Қобил ака, қотиб Самсақов Тоир ака ва бошқа оқсақоллар, куни-кушнилари кириб келишгани, у ички қийимда булгани учун қуйлагини қийишга ҳам улгурмагани, Кучқоров М. унга «Сизни бир неча марта оғохлантурсак ҳам кушмачилик билан шугулланяпсиз, шунинг учун сизни уйингиздан қучирамиз», - деб айтгани, у қаршилиқ қилганида маҳалла оқсақолларидан бири уни қулини қайириб бергани ва Атақулова Мавжуда опа Хажал опа деган аёл уйидаги узини румоли билан қулини орқага қилиб боғлаб қуйганлари ва бошқа қуччилик одамлар уни уйидаги нарсаларни қутариб ташқарига қучага ташиб олиб чиқа бошлаганлари, Мавжуда опа билан Хажал опа уни узини ҳам ички қуйлақда уйдан етаклаб олиб қичиб зинадан пастга олиб тушаётганларида у зинани панжарасига оёқларини тикиб олгани ва қаршилиқ қурсатгани, лекин қуччилик булиб уни оёқларини панжарадан сугуриб олиб пастга олиб тушганлари, ташқарида бир юк машинаси турган булиб, уни уйидаги буюмларини шу машинага юклаганлари, сунгра уни узини ҳам машинага қичариб қуйганлари, Богдодлик таниши Умида одамлар уни уйини бостириб киришган пайтда ваннахонага яшириниб олган булиб, бироздан кейин Умидани ҳам топиб, Атақулова Мавжуда опа уни соқидан ушлаб судраб олиб қикқани ва уни ҳам қуларини боғлаб машинага қичариб қуйганлари, сунгра уни юқлари билан Янгиқурган қишлоғидаги узини ота-онасини уйига олиб бориб ташлаганлари, йулда Умидани қуларини ечиб, қуйиб юборганларини, бу ишларни ҳаммасини одамлар шаҳар ҳокими Кучқоров М ва маҳалла оқсақоли Атақулова М ни топшириги билан бажарганларини. айнан шулар бошқа одамларга топширик бериб бошқариб турганларини, ушбу воқеа натижасида уни уйида булган 16.000 сум пули йуқолгани, бундан ташқари уни 5500 сумлик оёқ қийими ва бир дона 36.000 сумлик жемпери йиртилиб унга жами булиб 57.500 сум моддий зарар етқазилгани, ушбу зарарни айбдор шахслардан ундириб беришни сураб берган қурсатмаси билан:

Жабрланувчи Комилова Умиданинг жабрланувчи Ибрагимова Тухтахонни юқоридаги қурсатмасини тула тасдиқлаб ва тақрорлаб берган қурсатмаси билан:

Жабрланувчи Машрапова Махфузанинг у мукаддам хакикатдан ҳам икки марта судланиб қикқани тугрилиги, воқеа содир булган 2003 йил 14 август қлуни соат 9-30 10-00 лар чамасида у уз уйида танишлари Халилова Садоқат, Гиёсиддинова Муяссар, Юлдашева Мархаболар билан утирганларида эшиги тақиллагани ва у эшиқни очишга улгурмасидан қаттик зарб билан эшиқни бузиб очиб, ичкарига Атақулова Мавжуда опа бошқилигида, маҳалла оқсақолларидан Вали ака, Одил ака ва яна бошқа одамлар кириб келишгани, Атақулова М. уларга қараб «булар ҳаммаси жалаблар, ҳаммасини қул-оёқларини боғланглари», - деб топширик бергани, у қаршилиқ қилиб, балқонга югириб бориб қулига битта бутилқани ушлаб «мен сизларга ҳозир проблема қилиб бераман», - деб айтиб турганида, уни қулидан бутилқани Одил ака олиб қуйгани, кейин уни қулини орқага қилишиб, Атақулова Мавжуда опа билан Хажал опалар ошқхонада турган қилқир ип билан боғлаб қуйганлари, уни узини беш яшар угли йиглаб, олдига келганида Атақулова М углини уни қулидан тортиб олиб «бу, хароми»-деб нарироққа отиб юборгани, кейин углини қимқир қутариб олгани, сунгра улар уни уйига меҳмон булиб келган Садоқат, Мархабо, Муяссарларни ҳам қуларини орқага қилиб боғлаб қуйганлари, шу пайтда бу

ерга таниши Кумуш исмли киз келганида, Атакулова М уни куриб, «ана яна битта жалаб келди, буни хам кулларини богланглар», - деб топширик бергани ва уни топшириги билан Кумушни хам кулларини боглашиб, кейин хаммаларини судраб пастга олиб тушганлари, пастга сахар хокими Кучкоров Мухторали ака хам турганини кургани, лекин у Атакулова М ва бошкларни килаётган ишларига хеч кандай каршилик килмагани, у ерда жуда куп аёллар, ёш кизлар, боллар тупланиб турган булиб, Атакулова М Кучкоров М.га караб «урток хоким, мана энди хаммасини олиб тушиб куйдик, энди нима килайлик?»,- деб сураганида Кучкоров М унга «Энди хаммасини бир айлантириб келинглар», - деб жавоб бергани, шундан кейин Атакулова М.ни топшириги билан у ердаги тупланган одамлар уларни оркага кайириб богланган кулларини ечиб, олдига килиб кайта боглаб куйганлари ва каердандир узун кабель топиб келиб хаммаларини шу кабель билан битта килиб боглаб куйганлари,бу ерда уни узини синглиси Мамлакат келиб, уни ахволини куриб, Атакулова М га «Нега бундай киялпсизлар, бундай килишга хакларинг йук», - деб гапирганида Атакулова М одамларга караб, «Мана бу синглисини хам кушиб боглаб куйинглар», - деб айтгани, кейин синглиси Мамлакат нарирокда турган сахар хокими Кучкоров Мни олдига бориб ёрдам беришни сураб илтимос килганда Кучкоров М «мен билмайман, халк киялпти», - деб жавоб берганини ва бу ишларни тухтатишга хеч кандай харакат килмагани, Атакулова М одамларга караб «Мени олдига буларни устидан халеб шикоят килиб келаверманглар, мана узларинг нима килсаларинг, килаверинглар», - деб айтиб уларни одамларни ургасига олиб кириб куйгани ва уша ерда булган Комиля, Гузал, Гулбахор деган турмушга чикмаган кизларга урдиргани, уларга кушилиб бошка одамлар хам уриб, куйлакларини йиртиб ташлаганлари, кейин хар бирларини буйинларига «Чуррак-нархи 200 сум» ва шунга ухшаш ёзувлар ёзилган когозларни илиб куйганлари, синглиси Мамлакат уни уйига кириб узини халатини олиб чикиб устига ташлаб куйгани, халатини чунтагида булган лезвияни олиб, у кули богланган арконни кесмокчи булиб, кулини кесиб олгани ва кулидан кон окиб, хушидан кетиб колгани, шундан кейин уни кулидаги арконни ечиб ташлашгани ва у уша жойда колиб, Садокат, Мархабо, Муяссар ва Кумушларни куйлаклари йиртилган деярли ялангоч холда ва буйинларига ёзувлар илиб куп каватли уйлар оркасидан айлантириб, катта куча томонга Атакулова М бошчилигида олиб кетганлари, кейин уни «тез ёрдам» машинаси келиб касалхонага олиб кетгани, касалхонада бир хафта ётиб даволаниб чиккани, ушбу вокеа натижасида уни уйида булган 20.000 сум пули, 17.000 сумлик вентелятори, 30.000 сумлик цепочкаси ва 10.000 сумлик битта «Тефал» номли дазмоли йуколиб, унга жами 77.000 сумлик моддий зарар етказилгани, ушбу зарарни айбдорлардан ундириб беришни сурашини билдириб берган курсатмаси билан:

Жабрланувчи Гиёсиддинова Муяссарнинг 2003 йил 14 август куни эрталаб соат 10-00 лар чамасида Халилова Садокат, Юлдашева Мархаболар билан Манранова Махфузани уйида утирганларида уйни эшигини бузиб очишиб, Атакулова М бошчилигида купчилик одамлар киргани, у узи бу ерда яшамагани учун кирган одамларни танимагани, Атакулова М уйга кирган одамларга «булар хаммаси жалаб, кулларини богланглар», - деб топширик бергани ва улар хаммаларини кулларини оркага килиб боглаб, куйганлари, шу пайтда бу ерда Каюмова Кумуш келиб колгани ва Атакулова М одамларга «бу киз хам шуларни шериклари, уни хам кулини богланглар», - деб топширик берганидан кейин Кумушни хам кулини боглаб Атакулова М Кумушни куйлагини этагидан кутариб бошига ёпиб юзини беркитиб куйгани ва шу холатда хаммаларини пастга судраб олиб тушганлари, ташкарида купчилик аёллар, кизлар, ёш боллар тупланиб турган булиб, нарирокда хозирда судланувчи кейинчалик билишича Хамза сахар хокими Кучкоров М хам турганини кургани ва «буларни ялангоч килиб айлантинглар», - деб буйрук берганини эшитгани, Атакулова М ни гапи билан тупланган одамлар уларни оркага кайириб богланган кулларини ечиб, кулларини олдига килиб яна боглаб куйганлари ва узун бир телефон кабелини олиб келиб 5 лаларини битта килиб шу кабель билан боглаб куйганлари, кейин хар бирини буйинларига «Чуррак-нархи 200 сум», - деб

ёзилган коғозларни илиб куйганлари, сунгра Атакулова М одамларга караб «мени олдимга буларни устидан хадеб шикоят килиб кираверманглар, мана узларинг нима килсанглар килаверинглар»,- деб айтиб уларни одамларни уртасига олиб кириб куйгани ва одамлар уларни куйлакларини йиртиб, ура бошлаганлари, Машрапова Махфуза кулидаги арконни кесаман деб кулини кесиб олгани ва хушидан кетгани, шундан кейин уни кулидаги арконни ечиб ташлашгани ва Машрапова М уша ерда қолиб, уни узи, Садокат, Мархабо ва Кумуш туртталаларини битта килиб боғлаб, ярим ялангоч, буйинларига «нархи 200 сум» деб ёзилган коғозлар илинган холда Атакулова М бошчилигида куп каватли уйлар орасидан юриб, катта кучага олиб чиққанлари, йул-йулакай Атакулова М атрофидаги ёш болларга караб буларга тош отинглар, кум сепинглар деб ургатиб келгани, узи эса кулига калтак ушлаб олиб, шу калтак билан уриб, уларни юришга мажбур қилгани ва катта йулда утаётган йуловчи машиналар хайдовчиларига уларни курсатиб, «булар жалаблар, нархи 200 сум олиб кетинглар»,- деб айтиб шарманда қилгани, шу ахволда куп каватли уйлар орасида айлантириб, уларни масхара килиб, 23 «А» уй олдига қайтариб олиб келганларида кимдир милиция ходимлари келаётганини айтгани сабабли, тезда кулларидаги арконларни ечиб куйиб юборганлари ва улар яна Машрапова М.ни уйига кириб, кийимларини алмаштириб олганлари, шу воқеа натижасида уни устидаги футболкаси йиртилиб, оёғидаги тапочкаси йуқолиб унга жами 25.000 сумлик моддий зарар етказилгани ва шу зарарни ундириб беришни сураб берган курсатмаси билан:

Жабрланувчилар Каюмова Кумуш, Халилова Садокат ва Юлдашева Мархаболарнинг воқеа ҳолати буйича жабрланувчилар Машрапова М ва Гиёсиддинова М ларнинг юқоридаги курсатмаларини тула тасдиқлаб ва такрорлаб берган курсатмалари билан ҳамда ушбу воқеа натижасида Каюмова К узига 32.500 сумлик, Халилова С 52.200 сумлик ва Юлдашева М 28.000 сумлик моддий зарар етказилганини билдириб, шу зарарларни ундириб беришни сураб берган курсатмалари билан тасдиқланади:

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи Кучкоров М.нинг ушбу жинойтни содир этганликдаги айби суд мажлисида суралган гувоҳлар Холбекова Рузихон, Фаткина Галина, Терентева Ирина, Рузалиева Гузалхон, Мерганова Лолахон, Косимова Заринахон, Тухлиева Муяссархон, Дадажоновна Мамлакат, Юлдашева Дилноза ва бошқаларнинг жабрланувчиларни юқоридаги курсатмаларини тасдиқлаб берган курсатмалари билан, жинойт иши материалларига кушилган воқеа жойини куздан кечирини баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар мазмуни билан (ив. 12-19, 111-114), ашёвий далилнинг олтинчи баённомаси (ив. 50), воқеа натижасида жабрланувчилар Гиёсиддинова М, Каюмова К, Юлдашева М, Ибрагимова Т, Халилова С ва Машрапова М.лар енгил даражада табиқ жароҳатлари олганликларини тасдиқлаб берилган суд-тиббий экспертизасини 2145, 2116, 2115, 2122, 2117 ва 2246 сонли хулосалари (ив. 67-68, 70-71, 73-74, 76-77, 82-83, 158-160) юзлаштириш баённомалари ҳамда иш буйича тупланган ва суд мажлисида текширилган бошқа барча далиллар билан тасдиқланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Кучкоров М.га нисбатан қуйилган айб квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга қура уни айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 141-моддасини 2-қисми, 142-моддаси, 229-моддаси ва 277 моддасини 2-қисмини «Д» бандини чиқариб ташлашни лозим топди:

Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 141-моддасида жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига караб, фуқороларнинг тенг ҳуқуқларини бузганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган булиб, ушбу воқеа ҳолатида судланувчи Кучкоров М томонидан фуқороларни жинси, ирки, миллати ва юқорида курсатиб утилган бошқа ҳолатларга қура фуқороларни тенг ҳуқуқлигини бузиш ҳаракатлари содир этилмаган ва шунга қура судланувчи Кучкоров М.нинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 141-моддаси 2-қисмида

курсатилган жиноят аломатлари йуклиги сабабли унинг айбидан чиқарилиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Кучкоров М.га фуқороларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиб, турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зурлик ишлатиб гайриконуний бостириб кирган деб Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 142-моддаси билан ҳам айб эълон қилинган бўлсада лекин Кучкоров М. мансабдор шахс бўлгани сабабли айнан шу ҳаракати учун мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, фуқороларнинг турар жой дахлсизлигини бузиб, уларнинг ҳуқуқлари ва конун билан курикланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлиб унга шу ҳаракати учун Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 206-моддасини 2-қисми «в» банди билан ҳам айб эълон қилинганлиги сабабли уни қушимча равишда Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 142-моддаси билан ҳам айблаш талаб қилинмайди ва шунга қура суд унинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 142-моддасини ҳам чиқаришни лозим топди.

Шунингдек суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Кучкоров М.га узбошимчалик жинояти содир этганликда Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 229-моддаси билан нотугри айб эълон қилинган деган ҳулосага келди. Чунки, конун талабига қура Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 229-моддасида курсатилган узбошимчалик жиноятининг субъекти фақат мансабдор бўлмаган шахслар бўлиши мумкинлиги, бундай жиноятлар мансабдор шахс томонидан содир этилган тақдирда уларнинг ҳаракатлари тегишлича мансабдорлик жиноятлари билан ЖК.нинг 205-моддаси ёки 206-моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Судланувчи Кучкоров М. ҳам маъул мансабдор шахс бўлганлиги сабабли айнан шу содир этган ҳаракати учун унга Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 206-моддасини 2-қисмини «В» банди билан айб эълон қилинган бўлиб, қушимча равишда уни Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 229-моддаси билан ҳам айблаш талаб қилинмайди ва шунга қура, суд уни айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 229-моддасини ҳам чиқариб ташлашни лозим топди.

Шунингдек суд судланувчи Кучкоров М. ёш бола, қария, ногирон ёки оғир ахволдаги шахсларни ҳурлаб безорилик жиноятини содир этгани, сабабли унинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 277-моддасини 2-қисмини «Д» бандини ҳам чиқаришни лозим топди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Кучкоров Мухторали Кучкоровичнинг юқорида содир этган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 206-моддасини 2-қисмини «В» банди ва 277-моддасини 2-қисмини «Б,Г» бандлари билан тугри квалификация қилинган. Чунки у маъсул мансабдор шахс бўлгани ҳолда ҳокимият ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, фуқороларнинг ҳуқуқлари ва конун билан курикланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлган. Шунингдек у бир гуруҳ шахслар томонидан, уз мазмунига қура умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишқорона менсимасликда ифодаланувчи утакетган беҳаёлик билан, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан уриш-дунпослаш, баданга, енгил шикаст етказиб ва узгалар мулкига анча миқдорда шикаст етказиб безорилик жинояти содир этилишида иштроқ этган.

Суд, судланувчига нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, муқаддам судланганини, иш ва яшаш жойидан ижобий таъсирларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати К. Тошматов томонидан берилган илтимосномани, қармоғида турт нафар фарзандлари борлигини ва қилмишидан пушаймонлигини айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олди.

Шунингдек суд судланувчи Кучкоров М.га жазо тайинлашда унга нисбатан Узбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабр кунидаги «Узбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун бир йиллиги муносабати билан амнистия тугрисида»ги Фармониини тадбик этишни лозим топди.

Шу билан бирга суд, Олтиарик туман прокурорининг иш буйича жабрланувчилар Машрапова М, Халилова С, Гиёсиддинов ~~М~~, Ибрагимова Т, Юлдашева М ва Каюмова К лар фойдасига жами 272.200 сум жиноят натижасида етказилган моддий зарар суммасини ундириш хақидаги даъво аризаси қонуний асосли булганлиги сабабли қаноатлантиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан суд, Узбекистон Республикаси ЖПК.нинг 454-457, 465-468 моддаларини қуллабхуқм қилади:-

Х У Қ М

Кучкоров Мухторали Кучкоровичнинг айбидан Узбекистон Республикаси ЖК.нг 141-моддасини 2-қисми, 142-моддаси, 229-моддаси ва 277-моддасини 2-қисмини «д» банди чиқарилсин.

Кучкоров Мухторали Кучкорович Узбекистон Республикаси ЖК.нинг 206-моддасини 2-қисмини «В» банди ва 277-моддасини 2-қисмини «Б, Г» бандлари билан айбли деб топилсин.

Кучкоров Мухторали Кучкорович Узбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабраги «Узбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун бир йиллиги муносабати билан амнистия тугрисида» ги Фармониини 2-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Кучкоров Мухторали Кучкоровичга нисбатан қулланилган эхтиёт чораси муносиб ҳулқ атворда булиш хақида тилхат бекор қилинсин.

Олтиарик туман прокурорининг даъво аризаси қаноатлантирилсин. Кучкоров М.дан жабрланувчилар Ибрагимова Т фойдасига 57.500 сум, Халилова С.фойдасига 52.200 сум, Машрапова М фойдасига 77.000 сум, Каюмова К.фойдасига 32.500 сум, Юлдашева М.фойдасига 28.000 сум ва Гиёсиддинова М.фойдасига 25.000 сум жами булиб 272.200 сум жиноят натижасида етказилган моддий зарар суммаси ундирилсин.

Хукмдан норози томон хукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар эса хукм нусхасини қулга олган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида шу суд орқали Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судига апелляция тартибда шикоят, протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи: *имзо*

Т.Ш.Вахобов.

Хукм нусхаси аслига тугри деб

*Жиноят ишлари буйича
Олтиарик туман судининг раиси :-*

Т.Ш.Вахобов